



Савол:

Сахих хадис ва мавзуъ (сохта) хадислар хакидаги маълумотларни каердан олиш мумкин?

Жавоб:

Хадисларнинг сахихлигини агар араб тилини билсангиз бу ҳақда ёзилган китоблардан ўқиб биласиз. Агар арабчани билмасангиз хадис илмини биладиганлардан сўрайсиз. Агар бу каби кишиларни топа олмасангиз бизга ёзинг кўлдан келганча айтиб берамиз.

Имом Бухорий ва имом Муслимнинг хадис тўпламлари фақат сахих хадисларни ўз ичига олган. У иккисидан бошқа ҳар бир хадис тўплами сахих, заиф ва сохта хадисларни ўз ичига олган. Демак, хадис китобларидаги хадисларнинг ҳар бирига унинг сахихлигини аниқлашдан туриб амал қилиш дуруст эмас. Сохта хадислар жуда ҳам кўп. Масалан “саҳобаларим юлдузларга ўхшайдилар қайси бирига эргашсангизлар хидоятланасизлар”, “Абу Ханифа умматимнинг чирोगи” ва хоказо бундан бошқа минглаб ёлгон, тўқима хадислар бор.

Буларни хадис дейиш расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тухмат қилиш, у зот айтмаган сўзни айтди демакдир. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Ким менинг номимдан ёлгон сўзласа жойини жаҳаннамдан ҳозирласин” деганлар. (Сахих мутавотир хадис).